

ТАРИХ ЎҚИТИШДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Қундизалиева Сафия Холмирза кизи

*Тошкент тиббий академияси чирчик филиали,, Ижтимоий фанлар
ва хорижий тиллар" кафедраси ўқитувчиси.*

Аннотация: Мақолада тарих таълимини технологиялаштириш объектив жараён эканлиги ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: ўқитиш технологияси, янги модел, ахборотли технология, потенциал кучлар, техник таъминот.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ НОВЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ И ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПРЕПОДАВАНИИ ИСТОРИИ

Аннотация: В статье утверждается, что технологизация исторического образования является объективным процессом.

Ключевые слова: технология обучения, новая модель, информационные технологии, потенциальные силы, техническое обеспечение.

USE OF NEW PEDAGOGICAL AND INFORMATION TECHNOLOGIES IN HISTORY TEACHING

Abstract: The article argues that the technologization of historical education is an objective process.

Keywords: training technology, new model, information technology, potential forces, technical support.

Аввало, педагогик тахнология -бу ўқитувчининг ўқитиш воситалари ёрдамида ўқувчиларга муайян шароитда таъсир кўрсатиш ва акс таъсир маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларининг жадал шакллантиришни кафолатлайдиган жараёндир. Илмий техник тараққиёт XX аср охирига келиб фақатгина кўплаб ишлаб чиқариш соҳаларини технологиялаштиришга сабаб бўлиб қолмай, балки маданият соҳасига, гуманитар билимлар соҳаларига ҳам кириб келди. Бугунги кунда биз энди ахборот, тиббиёт технологиялари ҳақида гапирамиз, шу жумладан таълим соҳасида ҳам. «Технология» тушунчаси техник тараққиёт сабабли юзага келди ва луғатлар талқини бўйича (techne санъат, ҳунар, фан; logoc — тушунча, таълимот) материалларга ишлов бериш усуллари ва воситалари ҳақидаги билимлар тўплами демакдир.

Технология шу билан бирга жараённи билиш санъатини ҳам ўз ичига олади. Технологик жараён ҳар доим зарур воситалар ва шароитлардан фойдаланиш билан операциялар маълум кетма-кетлигини кўзда тутди. Технология процессуал мазмунда «қандай қилиб, нимадан ва қайси воситалар билан бажариш керак?» деган саволга жавоб беради.

«Педагогик технология» тушунчаси ўқитиш назариясидан кейинги пайтларда янада кенгрок тарқалди. XX асрнинг 20-йилларида «педагогик технология» термини биринчи бор педагогика бўйича асарларда тилга олинган. Шу вақтнинг ўзида яна бир бошқа — «педагогик техника» термини ҳам тарқалди. У педагогик энциклопедияда 30-йилларда ўқув машғулотларини аниқ ва самарали ташкил этишга қаратилган услублар ва воситалар сифатида ифодаланган. Педагогик технологияларга ўқув ва лаборатория ускуналари билан ишлаш, кўргазмали қўлланмалардан фойдаланиш маҳоратлари ҳам киритилган.

Ўтган асрнинг 40-50-йилларида, ўқитиш — ўқув жараёнларига техник воситаларни татбиқ этиш бошланганида, «таълим технологияси» термини пайдо бўлди, у кейинги йиллар давомида «педагогик технологияга» айлантирилди. 60-йиллар ўрталарида бу тушунчанинг мазмуни чет элларда педагогик нашрларда ва халқаро конференцияларда кенг муҳокама этилди, натижада ушбу соҳада турли мамлакатларда (АҚШ, Англия, Япония, Франция, Италия, Венгрия) уни талқин қилиш даражасига қараб икки йўналиши белгиланди. Биринчи йўналиш тарафдорлари техник воситалар ва дастурлаштирилган ўқитиш воситаларини қўллаш зарурлигини таъкидладилар (technology in education).

Иккинчи йўналиш тарафдорлари эса ўқув жараёнини ташкил этиш самарадорлигини ошириш ва педагогик ғояларнинг техниканинг кескин ривожланишидан ортда қолишини йўқотиш муҳим деб ҳисобладилар. Шундай қилиб 1-йўналиш «ўқитишда техник воситалар» сифатида белгиланди, биз бироз кейинроқ юзага келган 2-йўналиш «ўқитиш технологияси» ёки «ўқув жараёни технологияси» сифатида белгиланди. 70-йилларнинг бошларида турли хилдаги ўқув ускуналарини ва ўқув воситаларини модернизациялаштириш зарурлиги англаб етилди. Буларсиз ўқитишнинг сифатлилиги ва самарадорлигига эришиб бўлмас эди. 60-йиллар ўрталари ва 70-йилларнинг бошларида АҚШ, Англия, Япония, Италия каби юксак ривожланган давлатларда педагогик технологиялар масалалари билан шуғулланувчи журналлар нашр этилар эди, кейинчалик бу муаммо билан ихтисослаштирилган ташкилотлар ва марказлар шуғуллана бошлайди. Педагогик технология деб одатда мақсади таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш, таълимда қўзланган натижаларга эришиш бўлган чет эл педагогикасининг йўналишига айтилади (М. Кларин, 1989) миллий педагогик адабиётларда бундай ҳолларда ўқитишнинг дидактикаси ёки методикаси ҳақида гапирадилар, бироқ «технология» термини ҳозирги кунда жуда кенг тарқалган. «Педагогик технология» сўз бирлиги — бу инглизча «an educational technology» — "таълим технологияси" иборасининг аниқ бўлмаган таржимасидир.

«Педагогик технология» тушунчаси охирги пайтларда ўқитиш назариясида янада кенгрок тарқалиб келмоқда. Айнан ана шу мазмунда «технология» термини ва унинг «ўқитиш технологияси», «таълим технологияси», «таълимда технология» шакллари педагогик адабиётларда фойдаланила бошланди ва муалифлар таълим-технологик жараёнининг тузилиши ва ташкил этувчиларини қандай тасаввур этишларига қараб қўплаб ифодаларга эга бўлдилар (уч юздан ортиқ). «Педагогик технология» термини биринчи бор педагогика бўйича ишларда — XX асрнинг 20-йилларида тилга олинган. Ҳозирги кунда педагогик технология тушунчасини турлича ифодалаш мумкин:

1. Технология — бу бирон-бир ишда, маҳоратда, санъатда қўлланиладиган услублар тўпламидир (талқинли луғат).

2. Педагогик технология — бу ўқув жараёнини амалга ошириш мазмунли техникасидир (В.П. Беспалько).

3. Педагогик технология — бу ўқитишда режалаштирилган натижаларга эришиш жараёнини тасвирлашдир (И.П. Волков). 4. Педагогик технология — бу ўқитиш, тарбиявий воситалар, шакллари, методлари, усул, услубларининг махсус тўплами ва тузилишини белгиловчи психологик-педагогик кўрсатмалар йиғиндиси, у педагогик жараённинг ташкилий методик қуроли демакдир (Б.Т. Лихачев).

5. Педагогик технология — бу таълим шакллариини оптималлаштириш масаласини қўювчи, техник ва инсоний имкониятларни ва уларнинг ўзаро муносабатларини ҳисобга олиб ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнини яратиш, қўллаш ва белгилашга системали ёндашишдир (ЮНЕСКО).

6. Технология — бу санъат, маҳорат, моҳирлик, ишлаб чиқиш методлари тўплами, ҳолатини ўзгартиришдир (В.М. Шепель).

7. Ўқитиш технологияси — бу ўқувчилар ва ўқитувчилар учун сўзсиз қулай шароитлар яратиб бериш билан ўқув жараёнини лойиҳалаштириш, ташкил этиш ва олиб бориш бўйича ҳар томонлама ўйлаб чиқилган ҳамкорликдаги педагогик фаолият моделидир (В.М. Монахов).

8. Педагогик технология — бу педагогикада фикрлашнинг системали усулидир (Т.Сакамото).

9. Педагогик технология — ўқув жараёнининг ташкилий шакли, методлари, мазмунини ўзгартирувчи унинг ривожланиш янги системасидир (Э. Бистереки ва Ж.Целлер).

10. Педагогик технология педагогик мақсадларга эришиш учун фойдаланиладиган ҳамма шахсий, инструментал ва методологик воситаларни системали тўплами ва ишлатилиш тартибини билдиради (М.В.Кларин).

11. Педагогик технология — бу таълим мақсадига эришишга қаратилган ўқитувчи ва ўқувчининг фаолиятини системали, коцептуал, қоидали, объективлаштирилган, инвариант тасвирлашдир (Ф.А.Фрадкин).

12. Педагогик технология билимларни эгаллашда режалаштириш, бошқариш ва таъминлашни таҳлил қилиш учун фаолиятни ташкил этиш усулини, одамлар, ғоялар, воситаларни ўз ичига олувчи комплекс интеграл жараён демакдир (Педагогик

коммуникациялар ва технологиялар бўйича АҚШ ассоциацияси). Барча халқларда ҳамма вақт яхши тайёрланган мутахассислар, ўз ишининг усталари ҳурмат қилинган, маҳорат билан моҳирона ўқитиш ҳам юксак баҳоланган. Педагогика фани тарихида ўқитиш ва кадрлар тайёрлашнинг янада мукаммал методларини ва усулларини излаш доимий давом этиб келган. Ўқитиш — бу унинг жамият тараққиёти учун самараси педагогнинг фаолияти яқунланиши билан дарҳол кўринмаса ҳам ҳар қандай бошқа фаолият каби ишлаб чиқариш фаолиятидир. Жамият тарихида иқтисодий даврлар фақатгина нималар ишлаб чиқарилиши, ким томонидан қанча ишлаб чиқарилиши, меҳнатнинг қайси воситалари билан ишлаб чиқарилиши билангина фарқ қилмайди. Ана шу нуқтаи назардан биз ижтимоий тарихда мавжуд бўлган «педагогик даврларни» кўриб чиқамиз:

I. Индивидуал педагог, қўл билан ишлайдиган педагогнинг педагогик фаолияти даври (қадимги даврлардан бошлаб XVII асргача);

II. Ўқув китоби даври (XVII асрдан ҳозирги давргача);

III. Аудиовизуал воситалар даври (XX асрнинг 50-йиллари).

IV. Ўқитишни бошқаришни автоматлаштириш оддий воситалари даври (XX асрнинг 70-йиллари).

V. Замонавий ҳисоблаш машиналари асосида таълимни бошқаришни автоматлаштиришда адаптив воситалар даври (XX аср охири компьютерни ўқитиш). «Педагогик технология» тушунчаси учта аспектлар билан тақдим этилиши мумкин.

Шу билан биргаликда маълум вақт давомида педагогик технология ўқув жараёни технологик воситалари ёрдамида амалга ошириш, деб қараб келинади. Фақат 70-йиллардан бошлаб педагогик адабиётларда бу тушунчанинг моҳияти янгича талқин этила бошланади. Япон олими Т.Сакамото томонидан «ўқитиш технологияси - бу ўқитишнинг мақбуллигини таъминловчи йўл-йўриқлар тизими билан боғлиқ билимлар соҳаси» эканлиги эътироф қилинади.

Таълим тизимида қатор йиллар давомида педагогик технология назарияси ва амалиёти бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўрганилиб келинади. Натижада ўқитиш жараёнини такомиллаштиришга ёки ўқувчиларнинг билим фаолиятини ривожлантиришга қаратилган у ёки бу илғор методикалар технологиялар даражасига кўтарила олмай аста-секинлик билан ўз мавқеини йўқотиб педагогика фанидан узоқлашиб кетмоқдалар. Мисол учун, 60-йилларда катта шов-шувга сабаб бўлган «Дастурли таълим» (Программированное обучение) ёки 70-йилларда собиқ иттифок микёсидаги

«Шаталовчилик ҳаракати»ни эслаш кифоя[1].

Маълумки, бугунги кунга келиб тарих таълимида ахборотли технология педагогик технологиянинг таркибий қисми, техник воситаларнинг мукаммаллашган замонавий тури сифатида таълим жараёнида қўлланила бошланди. Келажакда иқтисодий бўҳронлар ортда қолиб ўқув юртлари дастурли «машина» билан етарли даражада таъминланади. Шундагина ахборотли технология асосида ўқувчи-талабаларнинг

билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш имконияти туғилади ва у ўқитувчининг яқин кўмакдошига айланади ёки унинг функцияларини тўлиқ бажариши мумкин.

Тарих таълимини технологиялаштириш объектив жараён эканлигини, замонавийлиги эса илмий-техник тараққиёти йўналиши билан белгиланишини эътироф этган ҳолда педагогик технологиянинг ўзига хос томонлари ва яқин келажақда у билан боғлиқ вазифаларни белгилашга ҳаракат қиламиз.[2]

1) Кўп босқичли таълим тизимида педагогик технологиянинг ўрнини асослаш ва зарурий тавсияномалар ишлаб чиқиш;

Замонавий саноат, тиббиёт, иқтисодиёт, экология каби соҳа технологиялари билан педагогик технологияларни мунтазам равишда янгилаб бориш ва табақалаштирилган ёндашув асосида уларни қўллаш мезонларини аниқлаш;

1) Истиқболли ўқитиш воситаларини яратиш ва уларга таянган ҳолда илғор педагогик технологияларни лойиҳалаш, амалиётга жорий этиш, оммалаштириш ва самарасини аниқлаш;

2) Тегишли бошқарув органлари (Таълим марказлари) томонидан ўқув муассасалари фаолиятида янги педагогик технологияларни татбиқ этилиши даражасини назорат қилиш ва баҳолаш;

3) Республикамиздаги олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган профессор ўқитувчиларни малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида илғор педагог ва ахборот технологиялари бўйича янги билимлар тизими билан куроллантиришни узлуксиз ташкил этиш;

4) Олий ўқув юртлари талабалари, айниқса, мутахассис-педагог (тарихчи-педагог)лар учун 40 соат ҳажмида педагогик технология назарияси ва амалиёти бўйича махсус курс жорий этиш;

5) Республикамизда фаолият кўрсатаётган ижодкор ўқитувчиларнинг иш услубларини мунтазам ўрганиб бориш ва улар томонидан яратилган методикаларни янги педагогик технология даражасига кўтариш борасидаги ишларни амалга ошириш ва ҳоказолар.

Бугун мамлакатимиз истиқлоли шарофати туфайли барча фан соҳаларини ривожланган давлатларда тўланган тажрибалар асосида таҳлил қилиш ва янада такомиллаштириш имкониятлари мавжуд, умуминсоний кадриятларни ижодий ўрганиш ва ҳаётимизга татбиқ этиш даври келди. Миллий Дастурда таъкидланганидек, яқин келажақда «Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликнинг халқаро ҳуқуқий базаси яратилади, халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари рўёбга чиқарилади, халқаро таълим тизимлари ривожланади»[3].

Ўзбекистан Республикаси демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти кўриш йўлидан изчил бораётганлиги учун кадрлар тайёрлаш тизими тубдан ислоҳ қилинди, давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устуворлиги қарор топди. Ўқув-тарбиявий жараёни илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш зарурати ҳам Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурини рўёбга чиқариш

шартларидан биридир. Шу сабаб биз бу педагогик тушунчанинг пайдо бўлиши ва ривожланиш жараёнини ўрганишга тарихий ёндашмоқдамиз.

Ҳап замонавий технологияларни таълим тизимида қўллаш хусусида борар экан, у мактабларнинг моддий техник таъминотига ҳам ўз талабини қўйди. Машғулотларни гуруҳларга ажратиб ва индивидул ўтиш учун ўқувчиларнинг синф ва синфдан ташқари фаолиятларининг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш, олган билим, кўникма ва малакаларини амалда қўллаш, қўл меҳнати, амалий фаолият жараёнида амалга оширишларига шароит яратишни кўзда тутиш муҳимдир. Шунингдек, ўқитувчининг дарсга пухта тайёрланиши керакли материаллардан фойдалана олиши учун замонавий педагогик-психологик, дидактик ва фалсафий адабиётлар, илмий- оммабоп журналлар, газеталар, бадий адабиётлардан фойдалана олишлари учун бой фондга эга бўлган кутубхона, унинг ишини энгиллаштириш учун синф хоналари компьютер билан таъминланиши ҳам муҳимдир[4].

Педагогик жиҳатдан таъминланишининг яна бир элементи, бу ўқитувчи шахси, мактаб педагогик жамоасини шакллантириш, педагогик технологияларнинг кириб келиши билан боғлиқ замонавий мактабларда жаҳон андозаларига мос равишда ўқитиш ишларини янгилаш, мақсадида педагогик кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш сифати, касбига тайёргарлик даражаларини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, замонавий педагогик технологияларни қўллашда мактабларнинг адаптация жараёнидан ўтишига имкон бериш ҳам педагогик жиҳатдан таъминланишнинг элементларига киради. Шу билан бирга боланинг интеллектуал ривожланганлиги ҳақидаги ахборотларга эга бўлиш, замонавий педтехнологияларни қўллашда муҳим аҳамият касб этади. Бугунги замонавий таълим, илғор педагогик технология янги рух ва мазмундаги, педагогик тафаккур, тараққийпарвар фикр, ғоялар маҳсулидир. Янги фикр ва ғоялар ўз навбатида мавжуд муаммолар, йўл қўйилган хатолар ва камчиликларнинг чуқур таҳлил қилиниши натижасида юзага келади. Шунинг учун ҳам жамиятдаги ижтимоий-маданий муҳит аҳволи таҳлил қилинган ҳолда, таълимни инсонпарварлаштириш, юзага келган мавжуд муаммоларни оқилона ҳал этиб бориш, янгича ишлаш янги педагогик тафаккурнинг асоси бўлиб қолади. Бу эса ўз навбатида таълим натижасини кафолатлайдиган, таълим тизимининг ривожланиб бориши, жамият тараққиёти, шахс камолотига ҳисса қўшадиган замонавий педагогик технологияларнинг кириб келишига замин яратади.

Технологик ёндашув таълим тараққиётининг характерлантирувчи кучи сифатида бугун амалиётга тезкор татбиқ этилмоғи зарур. қолаверса, Биринчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида

«Замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ва жорий этишни таъминлашни алоҳида назорат остига олиш зарур» ҳар бир фан ўқитувчиси янги технолгияларни лойиҳалашга ижодий ёндашиши лозим[5] деб таъкидлаган эди.

Педагогик технология фан мавзулари бўйича олдиндан лойиҳаланиши ва у ўқитиш текислигига қўчирилса, якуний натижани кафолатланиши билан фарқланишини

эслатиб ўтамыз. Шу билан биргаликда ҳар қандай педагогик технология асосини илмий жиҳатдан қўрилган дидактик жараён ташкил этади. Ана шу жараёни ажратилган ўқув вақти доирасида амалга ошириш олий ўқув юрти ўқитувчисининг педагогик маҳоратини даражалаб беради.

Баён этилган фикрлар шундай хулосаларга келишимизга имкон беради: таълимнинг ҳар бир босқичида замонавий педагогик технологияларни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий шароитларда жамият муносабатларини ислоҳ қилиш, яъни демократлаштириш, фуқаролик жамиятини барпо этиш, таълимни инсонпарварлаштиришга самарали таъсир кўрсатадиган илмий- концептуал асосга эга бўлгандагина қўллаш мувофикдир.

Қўлланилаётган технологиялар ўқитувчи ва ўқувчи ҳаётига енгилик олиб келиши, ўқувчининг хоҳлаб, қизиқтириб боришига имкон бериши ва жамият тараққиётининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатишини кафолатлаши керак. Замонавий педтехнологиялар қўлланилишидан олдин адаптациядан ўтиши педагогик шарт-шароитлари, моддий-техник база ҳисобига олинishi лозим[6].

Агар педагогик технологияларни қўллашда илмий асос ва кафолатланган натижа бўлмас экан, бундай технологиялар оқибати шахс камолоти, таълим тизими ва жамиятнинг юксалишига тўғанок бўлаверади.

Ҳозирги замон фанининг ривожланиши, хусусан, илмий-тадқиқот усуллари ва воситалари муттасил мураккаблашиб боришида намоён бўладиги, бу ахборот техникасини қўллашни тақозо этади.

Ахборот технологияси – бу ахборотни танлаш, жамғариш, таҳлил қилиш ва фойдаланувчига етказиб беришга йўналтирилган ҳисоблаш техникаси, электр алоқа, информатика имкониятларининг уйғунлигидир. Ишлаб чиқариш жараёни замирида ётувчи ҳар қандай технологияни таърифлашда ишлов бериш предмети, усул ва методларини, ишлаб чиқариш курулларини, ишлаб чиқариш усуллариининг тавсифини ажратиш мумкин. Технология жараён сифатида тартибга солинган ва ташкил этилган бўлади. Аммо анъанавий технологиялар моддий-энергетик омилларга таянса, ахборот технологияси ахборотга асосланади. Ахборот технологиясининг негизини моддий эмас, балки идеал омиллар ташкил этади. Ахборот технологияси ахборотнинг айланиши ва унга ишлов бериш жараёнлари мажмуи, шунингдек, бу жараёнларни тавсифлаш деб таърифланади. Ахборот маълумотларга ишлов бериш ва айланиш объектлари ҳисобланади. Ахборотга ишлов бериш жараёнларининг технологик маршрутлари ва сценарийларини тавсифлашнинг таркибий қисмларини яратиш мумкин. Шу боис ахборот технологияси тушунчаси икки хил назарий ва амалий нуктаи- назардан талқин қилинади. Назарий нуктаи-назардан ахборот технологияси илмий-техник фан бўлиб, унинг доирасида ахборот айланиши ва унга ишлов бериш автоматлаштирилган жараёнларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш муаммолари тадқиқ қилинади. Амалий нуктаи-назардан ахборот технологияси ахборот айланиши ва унга ишлов бериш автоматлаштирилган 1 жараёнлари мажмуи, муайян соҳага

боғлиқ бўлган ва замонавий техник- иқтисодий воситаларда амалга оширилган мана шу жараёнларнинг тавсифидир.

Ҳозирги замон ахборот технологияси ўтмишнинг телеграф, телефон, радио, телевидение сингари техник ютуқлардан фойдаланади. Илмий-техник тажрибадан келиб чиқиб ахборотни машина ўқийдиган ташувчиларда жамғариш воситалари яратилди. Бундай воситалар вақт ва маконда бирон- бир чеклашларсиз ахборотни ер куррасининг исталган нуқтасига етказишни таъминлайди. Ниҳоят, белгиланган алгоритмлар бўйича компьютерлар ёрдамида ахборотга автоматлаштирилган ишлов бериш технологияси ишлаб чиқилди.

Дунёда ахборотлашган жамият ривожланишининг назарий асосларини XX асрнинг 70-йиллари охири ва 80-йилларнинг бошида ахборотлашган жамиятнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳақидаги янги концепцияларда ижтимоий тараққиётнинг асосий омили ишлаб чиқариш ва ахборотлардан унумли фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. З.Бжезинский, Д.Белл, Э.Тоффлер жамият тараққиёти “босқичлар алмашинуви” сифатида ўрганар эканлар, ахборотлашган постиндустриал жамият тараққиётини, қишлоқ хўжалиги, саноат ва бошқа иқтисодий хизмат соҳаларидан кейин келувчи “Тўртинчи” иқтисод ахборотлашган секторининг устуворлиги билан боғлайдилар. Улар индустриал жамиятнинг асоси-капитал ва меҳнат ўз ўрнини ахборотлашган жамиятда ахборот ва билимга боғлиқ деб ҳисоблайдилар.

Хуллас, янги технология ва техникани ўзлаштириш ижтимоий-сиёсий ҳаётга бевосита боғлиқ. Улар одамлар ижод қилиши ва ташаббус кўрсатиши учун қулай шарт-шароит яратиши лозим. Ахборот технологияси ёрдамида илмий билимлар формаллаштирилади ва айни вақтда маълумотларни ифодалашнинг кўرғазмали шакллари (чизмалар, графиклар)дан фойдаланилади[7].

REFERENCES:

1. Н.Сайидахмедов. Янги педагогик технологиялар. Тошкент: Молия, 2003 йил, 8-9бетлар
2. Ў.Қ.Толипов., М.Усмонбоева. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. Тошкент. “ФАН” 2006 йил, 106, 116-117 бетлар.
3. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент: Шарқ, 1997. –Б.59.
4. Юлдуз Амиржонова. Методика ва технология бир-биридан қандай фарқланади? //Маърифат. 2003йил, 19 март.
5. Н.Сайидахмедов. Технологик ёндашув устуворлиги. // Маърифат: 2003 йил, 19 феврал.
6. Я.Ғаффоров. Махсус фанларни ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари. Т. “Ишончли ҳамкор”нашр. 2021 йил, 5-бет.
7. Н.А.Шермухамедова. Илмий-тадқиқот методологияси. –Тошкент: Фан ва технология. 2014. –Б.403-404-407.